



БУХОРО ШАҲРИ МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ҲУСУСИДА

Хамраев Ғайрат Ғаниевич

Жиззах Давла педагогика

Университети катта ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7980446>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2023

Accepted: 28th May 2023

Online: 29th May 2023

KEY WORDS

Маҳалла, “гўзар”, этник,
“тожик”, “форс (эрони)”,
“ўзбек”, Мулло Ҳоки роҳ,
бахрин, батош, чуют,
найман, уч-уруғ, ўзбек-
туркман, қалмоқ, бурқут.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Бухоро шаҳридаги маъмурий бирликлар ва шаҳар атрофларида ҳамда улар таркибидаги аҳоли масканларининг таҳлил қилиниши ҳақида тадқиқотчининг муҳим фикр-мулоҳазалари қисқача баён қилинган.

Бухоро шаҳридаги маъмурий бирликлар асосан “маҳалла” ва “гўзар”лар деб аталиб, уларнинг сони бир неча юздан ошган ва аҳолиси турли-туман бўлган. Айниқса, XX аср бошларида Бухоро шаҳридаги 220 та маҳалланинг номи тил жиҳатидан турфа хил бўлиб, уларнинг катта бир қисмини форс-тожикча номлар ташкил этган. Шу ўринда масаланинг моҳиятини теранроқ англаш учун XX аср бошларида Бухоро шаҳри маҳаллий аҳолисининг этник мансублигини аниқлаш масаласида мавжуд бўлган анъаналарга тўхталиб ўтиш керак бўлади.

Бухоро маҳаллалари этник таркиби билан шуғулланган О.А.Сухареванинг тадқиқотларида эса бухороликлар “тожик” номи остида, асосан, эронлик шиаларни тушунишган, тожик тилли сунний аҳолини эса кўпинча “ўзбек” деб билишган. Айрим маҳаллаларда аҳолининг бир қисмини тожик тилли ўзбеклар ва ўзбек тилида сўзлашувчи ўзбеклар ташкил этган ҳолатлар ҳам учратилган. Масалан, Дурман, Зиндафил Аҳмади Ҳожи, Косагарон, Миракон, Искандар-хон маҳалласида шундай ҳолат кузатилган. Айрим маҳаллаларда эса “тожик”, “форс (эрони)” ва “ўзбек” сингари уч этнос вакиллари биргаликда истиқомат қилганлар. Масалан, Пўстиндузон маҳалласида аҳолининг катта бир қисми тожик тилида сўзлашиб, ўзларини “тожик” деб атаганликлари, бир қисми бўлса “ўзбек” деб аталгани кўзга ташланади. Шунингдек, бу ерда форс хонадонлари ҳам мавжуд бўлган.

Бухоро маҳаллаларида яшовчи аҳоли орасида этник жиҳатдан миллий мансублик масаласида ўзини “тожик” деб билиш Бухоро атрофидаги тожик тилли қишлоқлардан кўчиб келган аҳолиси орасида нисбатан кўпроқ тарқалганлиги маълум. Масалан, Мулло Ҳоки роҳ ёки Понобиҳо (понобликлар) маҳалласида яшовчи аҳоли тожик тилида



сўзлашиб, ўзларини “тожик” деб атаганлар ва Бухоро шахридан 24 чақирим масофада жойлашган тожик тилли Поноб (Поёни-об) қишлоғи билан доимий алоқада бўлганлар¹.

Бухоро шахрининг бир қатор маҳалларида яшовчи аҳолининг сезиларли бир қисми ўзларининг келиб чиқишини ўзбек уруғларига боғлаган бўлиб, улар орасида *манғит* – 8 та маҳаллада, *урганжи* – 4 та маҳаллада, *кенагас* – 3 та маҳаллада, *бахрин*, *батощ*, *чуют*, *найман*, *уч-уруғ*, *ўзбек-туркман*, *қалмоқ*, *бурқут*, *қирқ-юз* сингари уруғлар ёки аҳоли гуруҳлари истиқомат қилган аҳоли масканлари бўлиб², улардан бир қисми жой номи сифатида бугунгача сақланган.

Бухоро амирлиги аҳолиси орасида мавжуд бўлган ўзликни англаш масалаларини Бухоро шахри мисолида кўриб чиқсак. Аввало айтиб ўтиш керак, Бухоро амирлигининг фарқли ҳудудларида миллий мансублик масаласи турлича бўлган. Бу масалада Бухоро шахри мисолида тадқиқот олиб борган изланувчилар турли фикрлар билдиришган. Бухоро шахрининг Ҳавзи Баланд маҳалласида 100 га яқин хонадон мавжуд бўлиб, аҳолисининг катта бир қисми форслардан, бир қисми эса тожик тилли ўзбеклардан иборат бўлган ва шу боис улар яшайдиган кўча “Кўчаи ўзбако” (Ўзбеклар кўчаси) деб номланган. Баъзи тожик тилли маҳалларнинг аҳолиси ўзларини “биз ўзимиз ўзбекмиз-у, тилимиз тожикча” (“худашон ўзбак-у, забонашон тожики”) деб жавоб берган ҳоллар кузатилган. Масалан, 60 хонадондан иборат Қўш-мадраса аҳолиси ўз этник мансублигини шу тарзда ифодалаб, “тожик” деганда форсларни тушунишини айтишган. Бу маҳалла номининг туркий (ўзбек)ча эканлиги ҳам бу ер аҳолисининг этник келиб чиқиши ўзбек бўлиб, кейинчалик тожик тилида сўзлашишга ўтганликларини тасдиқлайди. Шунингдек, 95 хонадондан иборат Меҳтар Анбар маҳалласининг тожик тилли аҳолиси ўзларни “Бухоро ўзбеклари” (“Ўзбакои Бухоро”) деб таништирганлар³. О.А.Сухареванинг ёзишича, бухороликлар айрим ҳолларда тожикча сўзлашувчи ўзбекларни “тожикигўй” ёки “форсигўй”, она тили ўзбекча бўлганларни эса “туркигўй” деб аташган⁴.

XX асрнинг бошлари ва биринчи ярмигача Бухоро шахрида мавжуд демографик ҳолатига назар ташланса, қуйидагича ҳолат устунлик қилгани кўзга ташланади:

1) Бухорода мавжуд бўлган 220 та маҳалла номларининг катта қисмини антропонимлар ташкил этиб, улар диний (хўжа, эшон, ҳожи, шайх, мир, мулло) ва бошқарувчи тоифалар (хон, амир, қушбеги, қози, меҳтар, доруғо, мирзо), турли касб-кор эгалари (домулло, табиб), лақаб ва ҳоказо шахс исмларидан иборат бўлган;

2) Бухоро маҳалларининг бир қисми этнонимлар асосида шаклланган бўлиб, улар орасида ўзбек уруғлари номлари кўпчиликни ташкил этган. Шунингдек, форс, араб, қозоқ, туркман каби марказий осийлик халқлар номлари билан боғлиқ топонимлар ҳам учратилган;

3) шаҳардаги маҳаллий аҳолининг катта қисмини ўзбек ва тожиклар ташкил этиб, ўзаро мулоқот тили тожик тили бўлган. Шунингдек, Бухоро маҳалларининг

¹ Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары ... – С. 87-88.

² Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Т.: АН УзССР, 1958. – С. 79; Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары ... – С. 105, 126, 152, 160, 163, 166, 224

³ Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары ... – С. 258

⁴ Сухарева О.А. Бухара XIX – нач. XX вв. – С. 128.



сезиларли бир қисми форслар, яхудийлар, араблардан иборат бўлган. Бундан ташқари, туркман, татар, қозоқ каби нисбатан камчиликни ташкил қилувчи хонадонлар ҳам Бухоро шаҳри маҳаллий аҳолисининг таркибий бир қисми сифатида билинган;

4) Бухородаги маҳалла номларининг сезиларли бир қисми аҳолининг хўжалик ҳаёти, маиший ҳаёти ва касб-кори билан боғлиқ ҳолда юзага келган (Телпақфурушон, Собунгарон, Ахтачи, Сўзангарон, Писташиканон, Дегреси, Говкушон, Чармгарон, Сиёкарон, Михчагарон ва ҳ.к.)⁵.

Айрим маҳаллалар (Арроки мисгарон, Нодир-вайс, Сўзангарон, Мағфоки атторон ва ҳ.к.)нинг аҳолиси тожикча сўзлашиб, ўзларини “тожик” деб ҳисоблашган. Бу тоифа аҳолининг хўжалик ҳаёти ва касб-корида кўпинча хунармандчилик устувор бўлиб, асосан мисгарлик, дурадгорлик, новвойлик, бўёқчилик, турли буюмлар яшаш, тижорат ва ҳоказолар билан шуғулланишган. О.А. Сухареванинг ёзишича, бухороликлар “тожик” номи остида, асосан, эронлик шиаларни тушунишган, тожик тилли сунний аҳолини эса кўпинча “ўзбек” деб билишган.

Тадқиқотларда, яъни Ғ.Бобоёровнинг таъкидлашича, Бухоро шаҳрининг айрим маҳаллаларида тожик тилли аҳоли ўзини “ўзбек” деб атаб, ҳатто ўзлари гаплашадиган тожикчани “ўзбекча” деб номлашган. Айрим маҳаллаларда аҳолининг бир қисмини тожик тилли ўзбеклар ва ўзбек тилида сўзлашувчи ўзбеклар ташкил этган ҳолатлар ҳам учратилган. Масалан, Дурман, Зиндафил Аҳмади Ҳожи, Косагарон, Миракон, Искандар-хон маҳалласида шундай ҳолат кузатилган⁶. Қисқаси, О.А. Сухареванинг тадқиқотларидан аён бўладики, бухороликлар “тожик” номи остида, асосан, эронлик шиаларни тушунишган, тожик тилли сунний аҳолини эса кўпинча “ўзбек” деб билишган. Унинг тадқиқотларидаги фикрларни Ғ. Бобоёров ва Э.Асанов қуйидагича келтириб, унга ўз муносабатларини билдириб ўтишган⁷:

- 1) “... маҳалла. Тожик тилли аҳоли”;
- 2) “... маҳалла. Тожик тилли, бироқ ўзларини ўзбек ҳисобловчи аҳоли”;
- 3) “... ўзини ўзбек деб атовчи, бироқ тожикча сўзлашувчи аҳоли”;
- 4) “... маҳалла. Ўзбек тилли, ўз уруғи номини билувчи аҳоли (манғит, кенагас ва ҳ.к.)”;
- 5) “... тожик тилли. Этник мансублиги (ўзбек ёки тожик) аниқланмаган аҳоли”;
- 6) “... маҳалла. Тожик тилли, Бухоронинг тожик тилли қишлоқларидан кўчган аҳоли (Поноб ва ҳ.к.)”;
- 7) “... маҳалла. Тожик тилли, ўзини ўзбек деб атаб, “тожик” деганда эроний шиаларни тушунувчи аҳоли”;
- 8) “... маҳалла. Тожик тилли бухороликлар” ва ҳ.к.. Тадқиқотчининг таъкидлашича, Бухоро шаҳрининг айрим маҳаллаларида тожик тилли аҳоли ўзини “ўзбек” деб атаб, ҳатто ўзлари гаплашадиган тожикчани “ўзбекча” деб номлашган⁸.

⁵ Эшов Б. «Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи», Тошкент-2012, Б-122.

⁶ Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары ... – С. 97-98, 128-132, 234

⁷ Бабаяров Г., Асанов А. Был ли этническим досоветский город? О палитрах идентичности Бухары начала XX века // Вопросы этногенеза и этнической истории Средней Азии. Древность. Средние века. Новое время. Lambert Academic Publishing. Вып. 6, 2021. – С. 43-54.

⁸ Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары ... – С. 254.



Бухоро амирлиги ва бошқа ўзбек хонликлари аҳолисининг этник таркиби тўғрисида сўз борганда кўпчилик “маҳаллий аҳолининг турклашуви”га урғу беришгани кўзга ташланади. Шу ўринда Ўрта Осиё, шу жумладан, мамлакатимиз тарихига алоқадор бир масалага – “турклашган” ибораси бўйича турли тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикрларни ихчамлаштириб қараб чиқадиган бўлсак, бу ибора остида асосан уч-тўрт хил маъно ётиши англашилади:

1) туркийлар билан қадимдан қўшни ёки аралаш яшаб келган бир қатор этнослар – асосан эронийлар, араблар ва мўғулларнинг бир неча асрлар мобайнида ўз тилини йўқотиб, туркий тилда сўзлаша бошлашлари ва ўз-ўзини англаш (identity)да “туркий” деб эътироф этишлари;

2) туркийлар томонидан бир неча ҳудудларнинг (асосан, Евроосиё даштлари, Амударё – Сирдарё оралиғи, Шарқий Туркистон, Афғонистон, Эрон, Кичик Осиё, Қрим, Шимолий Кавказ) эгалланиши натижасида бу ҳудудлар маҳаллий аҳолисининг ўз тилини унутиб, туркий тилга ўтишлари;

3) бир неча ғайритуркий этносларнинг туркийлар муҳитига тушиб (турли тарихий воқеликлар натижасида асосан Марказий Осиё ҳудудларига келиб жойлашиб), асрлар мобайнида ўз она тилларини унутишлари ва туркий тилни қабул қилишлари;

4) туркийларнинг ўз ҳудудларидан ташқарига чиқиб, Евроосиё материгидаги бир неча ўлкаларга кўчишлари (миграция, истилолар ва ҳ.к.) натижасида янги бориб жойлашган аҳолига нисбатан кўпчиликни ташкил этишлари ва у ерларни “турклаштиришлари”.

Ушбу изоҳлар замон ва маконга қараб у ёки бу даражада ўзини оқлайди. Бироқ, кўпчилик тадқиқотчилар келтирилган изоҳлар орасида сўнггиси мустасно қолган изоҳларни дастак қилиб олишади⁹. Фанда туркийларнинг муттасил равишда бошқа ерларни эгаллаганликлари ва бошқа тилли халқларни “турклаштирган”ликлари фикри устуворлик қилади¹⁰. Қайси бир ҳудуд учун бу фикр тўғри бўлиши мумкин, бироқ Марказий Осиёнинг катта қисми, Евроосиё даштлари, Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи, Шимолий Афғонистон ва Хуросон учун бундай талқин кўп ҳолларда ўзини оқламайди. Агар бу масалага Амударё – Сирдарё оралиғи мисолида кўз ташлайдиган бўлсак, бир вақтлар аҳолиси асосан шарқий эроний тилли этнослар – қадимги хоразмийлар, суғдийлар ва бақтрийлар бўлган ўтроқ аҳоли бу ерларга келган кам сонли кўчманчи туркийлар натижасида ўз тилларини йўқотиб “туркийлашиб кетгани” борасидаги кўзқарашларни тўғридан-тўғри қабул қилиб бўлмайди.

Бухоро амирлигидаги этник ўзликни англаш билан боғлиқ яна бир омилга эътибор қаратиш керак бўлади. Шу билан бирга, бу ерда ҳам бошқа мусулмон давлатларида бўлганидек ўзлик масаласида янада аниқроқ ифодалаш керак бўлса “аҳли сунна”, яъни сунний мусулмон ёки “шиа” шаклида мазҳабларга қараб ёки ўзлари мансуб бўлган давлат номидан келиб чиқиб, “Бухоролик мусулмон” деб танитиш анъанаси мавжуд бўлган¹¹. Агар мусулмон Шарқининг бирор давлатида муайян бир

⁹ Хомидов Д.Р. Лингвистическое исследование гидронимов региона исторического проживания таджиков в Мавераннахре. Автореф. дисс. докт. фил. наук. – Душанбе: ТНУ, 2018. – С. 10-13.

¹⁰ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 29-31.

¹¹ Сухарева О.А. Бухара XIX – нач. XX вв. – М.: Наука, 1966. – С. 127.



мақсадда – тижорат, саёҳат ва ҳоказо сабаблар туфайли бўлиб турган Бухоро амирлиги вакиллари ўзларини “бухорий”, “бухорий мусулмон”, “бухоролик”, деб танитиш билан бирга айрим ҳолларда “Туркистон ўлкасининг Бухоро музофотидан”, “туркистонлик” деб таништирган ҳолларда ҳам учраган¹². Шунга ўхшаш вазиятга дуч келган Ўрта Осиёликлар, хусусан, Қўқон ва Хива хонликлари вакиллари хорижий мамлакатларда ўзларини “Фарғона”дан, “Хоразм”дан ёки бўлмаса “Туркистоннинг Фарғонаси”дан, “Туркистоннинг Хоразми”дан деб танитганлар. Бу ҳолат кўпинча Маккада ва Усмонли салтанати ҳудудларида бўлган Ўрта осийлик мусулмонлар ўзлиги билан боғлиқ равишда ёзма манбаларда учрайди. Шунингдек, классик ўрта асрларда фарқли ҳолда сўнгги ўрта асрларда Ўрта Осиё аҳолисига нисбатан хорижда – Эрон, Кичик Осиё, Араб ўлкалари, Ҳинд ерлари, Россия ва Европада кўп ҳолларда “бухорий”, “бухороли”, “ўзбек” каби географик ва этник атамалар ишлатилган¹³.

Хуллас, Бухоро амирлиги доирасида, айниқса, унинг пойтахти – Бухоро шаҳри мисолида этник ўзликни англаш масалалари билан қисқача танишиб чиқиш шундан дарак берадики, бу масалада амирликнинг барча ҳудудида бир хил умумлашган ва муқимлашган собит тушунча бўлганлиги деярли кўзга ташланмайди. Аҳоли орасида бу масалага ўзининг тили, этник келиб чиқишидан кўра кўпроқ диний мансублик нуқтаи назаридан ёндашуви омили устуворлик қилган. Шунингдек, аҳоли давлат бошқарувчиси – амирни барча мусулмонларнинг бошини бириктирувчи, диний қоидаларни назорат ва ҳимоя қилувчи шахс сифатида билишган.

Амирлик ҳудудида ўзаро қўшни ва аралаш яшаган турли тилларда сўзлашувчи, фарқли хўжалик турмуш тарзига эга этнослар орасида “бухоролик”, “бухоролик мусулмон” тушунчаси умумийлик касб этган. Бунинг асосида эса қарийб тўрт юз йил давомида Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий ҳудудлари Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар каби диний ва этномаданий жиҳатдан бир-бирига яқин сулолалар томонидан бошқарилиши ва Бухоро шаҳри ушбу сулоларнинг пойтахти вазифасини бажарганлиги ётади. Бу шаҳарнинг асрлар давомида нафақат сиёсий-иқтисодий марказ, балки диний ва илм-фан ўчоғи вазифасини бажариб келганлиги эса бутун мамлакат бўйлаб турли элатлар орасида ўзаро уюшув ва ягона мафкура шаклланишига олиб келади.

References:

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: O‘zbekiston, 2015.
2. Бабаяров Г., Асанов А. Был ли этническим досоветский город? О палитрах идентичности Бухары начала XX века // Вопросы этногенеза и этнической истории Средней Азии. Древность. Средние века. Новое время. Lambert Academic Publishing. Вып. 6, 2021.
2. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи историей кварталов). – М., Наука, 1976.
3. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Т.: АН УзССР, 1958.

¹² История Центральной Азии в Османских документах. Политические и дипломатические отношения. Том I. – Самарканд: МИЦАИ, 2011. – С. 34-35.

¹³ Кюгельген Анке фон К. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX вв.). – С. 22-23.



4. Сухарева О.А. Бухара XIX – нач. XX вв. – М.: Наука, 1966
5. Эшов Б. «Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи», Тошкент-2012.
6. Хомидов Д.Р. Лингвистическое исследование гидронимов региона исторического проживания таджиков в Мавераннахре. Автореф. дисс. докт. фил. наук. – Душанбе: ТНУ, 2018.
7. История Центральной Азии в Османских документах. Политические и дипломатические отношения. Том I. – Самарканд: МИЦАИ, 2011.
8. Кюгельген Анке фон. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX.). – Алматы: Дайк-Пресс, 2004.